

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х У К М

\_\_\_\_\_ жиноят ишлари бўйича \_\_\_\_\_  
туман судининг очиқ суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, туман судининг  
раиси \_\_\_\_\_  
котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Уйчи туман прокурорининг  
катта \_\_\_\_\_,  
ЛДОРДЛОга оид \_\_\_\_\_-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

\_\_\_\_\_ туғилган,  
ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти  
ўрта, oilали, 4 нафар фарзанди бор,  
ишсиз, судланмаган, \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ хулқ  
атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт  
чораси қўлланилган, айблов  
далолатномаси нусхасини 2022 йил 4  
мартда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми  
билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг  
кўрсатмаларини тинглаб, иш бўйича тарафлар музокараси, судланувчининг  
охирги сўзини эшитиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб,  
қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

\_\_\_\_\_ “Ҳайдовчи ҳаракатнинг  
серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда  
ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш  
йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини  
белгиланган, чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик  
ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт  
воситасининг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини  
бериши керак. Ҳаракатланишда ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида  
бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини  
тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни  
бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини  
кўриши керак” деб кўрсатилган қоида талабларини бузиб, ҳаракат  
хавфсизлигини таъминлай олмай, қарама-қарши томондан ҳаракатланиб  
келаётган \_\_\_\_\_



ётқизилган.

, бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, чап билан суяги ёпиқ синиши, чап кўкрак қафаси кўплаб қовурғаларини асоратсиз синиши, чап пешона соҳасида қонталаши, иккала кўз қовоқ соҳаларида гематомаси, ияк соҳасида чокланган жароҳатлари аниқланиб, ушбу жароҳатлар соғлигини бузилишига сабабчи бўлган ўртача оғир тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

рақамли автомашинага 25.886.000 сўм моддий зарар етгани кўрсатилган.

Судланувчи

автомашинасида уйига кетаётиб, Норин дарёси кўприги олдида етиб борганида қарама-қарши томонга ўтиб кетиши натижасида қарама-қарши томондан келаётган “Нексия-2” русумли

тан жароҳати олгани, жабрланувчининг даволаниши учун кетган харажатларни имкониятидан келиб чиқиб қоплагани, автомашинага ҳам етказилган зарарни тез кунларда қоплашлиги, жабрланувчи талаб қилаётган маънавий зарарни қоплашга имконияти йўқлиги, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари унинг айби қуйидаги далиллар билан исботланади.

Жабрланувчи

русумли автомашинасида содир этган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида у тан жароҳати олгани, автомашинасига эса шикаст етганлигини, даволаниши учун кетган харажатларни қисман қоплагани, автомашинасига етказилган

ярашув оқибатлари тўлиқ тушунтирилгани, ишни умумий асосларда кўриб чиқиб, судланувчи

зарар ундириб беришни сўради.

Судланувчи жиноят содир этганликдаги айби, йўл-транспорт ҳодисаси бўйича маълумотнома, ҳодиса жойи чизмаси ва фотосуратлар, транспорт воситасини техник ҳолатини кўздан кечириш ва текшириш баённомалари ва фотосуратлар, тушунтириш хатлари, суд-тиббиёт экспертизаси хулосаси, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, олинган ашёвий далил ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги 10-сонли “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 8-бандида Жиноят кодекси 260-263, 266, 268, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг зарурий белгиси содир этилган ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёхуд жиноят қонунида кўрсатилган бошқа қоидаларнинг бузилиши билан келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш борлиги ҳисобланиши, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкинлиги, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш транспорт воситасини бошқариш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (масалан, белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириш, йўл белгиларига риоя қилмаслик, ҳаракатланишнинг қарама-қарши томонига чиқиб кетиш ва шу кабиларда) ифодаланиши ҳақида, 13-бандида ҳайдовчининг йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишида, жумладан, ҳаракатланиш тезлигини оширганлиги натижасида, айбдорлиги ёки айбсизлиги масаласини ҳал этишда «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг XI банди талабларидан келиб чиқиш лозим бўлиб, унга кўра, ҳайдовчи транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, хусусан, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда бошқариши кераклиги, шу талабдан келиб чиқиб, ҳаракатланиш учун хавф пайдо бўлганда, агар ҳайдовчида буни пайқashi имконияти бўлса, у транспорт воситасини тўхтатиш даражасигача тезликни камайтириш чораларини кўриши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Судланувчи

билан тўғри квалификация килинган, чунки у транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиб оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратиш ҳақида, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи жазо тури ва миқдорини тайинлашда, у томонидан содир этилган жиноят эҳтиётсизлик оқибаотида содир этилиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига



кириши, айбига тўлиқ иқдор ва қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, етказилган зарар қопланмаганлиги, жабрланувчининг даъвосини эътиборга олиб, унга нисбатан айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, шунингдек жиноятни бевосита транспорт воситасини бошқариш давомида содир этгани учун Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосини ҳам тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 5-бандида етказилган маънавий ва жисмоний азоблар учун зарар ундириш имконияти қонун ҳужжатида тўғридан-тўғри кўрсатилмаганлиги ҳамма вақт ҳам жабрланувчи маънавий зарар ундиришга ҳуқуқи йўқ деган хулосани билдирмаслиги ҳақида, 13-бандида маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосини, шунингдек, ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмати, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлиғининг ҳолати, ёши ва бошқалар) ҳисобга олиши лозимлиги, бундан келиб чиқиб, маънавий зарарни қоплаш миқдорини етказилган мулкӣ ва бошқа моддий зарарни ундириш даъво талабининг қопланиш ҳажмига қараб белгилаш мумкин эмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд,

етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

## Ҳ У Қ М Қ И Л А Д И

Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг [REDACTED] кундан бошлаб ҳисоблансин. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ИИБ органлари белгилаган жойларда ўтатирилсин.

Ҳукм қонуний кучга [REDACTED] муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

[REDACTED] ундирилсин, тарафларга келгусида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Жиноят ишига илова [REDACTED] юборилсин, икки дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

[REDACTED]

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича

[REDACTED] раиси

[REDACTED]

